

Бозор Иқтисодиёти Шароитида Қишлоқ Хўжалигини Юритиш Омиллари

Б. Б. Мамбетназаров

ТошДАУ Нукус филиали таянч докторанти

С. А. Хожасова

Магистрант, қорақалпоғистон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти

Кириш. Қишлоқ хўжалигида амалга ошириладиган иқтисодий ислохотларнинг асосий мақсади, қишлоқ хўжалигида етиштириладиган маҳсулотларни сифат жиҳатидан халқаро стандарт талабларига жавоб бера оладиган даражада ривожлантиришга қаратилган. Бугунги кунда халқаро иқтисодиётда ҳар бир хўжалик юритувчи субъектни барқарор фаолият юритиши ва маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми бозордаги эркин талаб ва таклиф асосида шаклланади ҳамда ривожланиб боради. Дунё аҳолиси сони жадаллик билан ортиб бориши натижасида озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талаби йилдан-йилга ошиб бормоқда. Сабаби, 2050 йилга бориб, аҳоли сони 9 млрд. Кишидан ортиши кутилмоқда. Уларни озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш учун қўшимча равишда 1 млрд. Тоннадан ортиқ дон, 200 млн. Тоннадан зиёд чорва маҳсулотлари ишлаб чиқариш зарур бўлади. [1]

Тадқиқотнинг долзарблиги ва ишлаб чиқаришдаги аҳамияти. Бугунги шиддатли тараққиёт натижасида инсон фаолиятининг табиатга таъсири шу даражада ортдики, оқибатда сайёрамизнинг баъзи минтақаларида табиат қонунлари ва табиий жараёнлар бузила бошлади, экологик тизим мувозанати издан чиқиб, инсонлар соғлигига, қолаверса, унинг келажакда ер юзида яшаб қолишига жиддий хавф туғила бошлади. Ҳаво, сув ҳамда тупроқ ифлосланган ҳудудларда яшил ўрмонлар майдони кескин қисқариб, уларнинг ўрнини саҳролар ва чўллар эгаллай бошлади.

Республикамиз агро-экологик хусусиятлари ва ҳудудлар ишлаб чиқариш ихтисослашуви имкониятлари, шунингдек, мавжуд ер ва сув ресурсларидан оқилона ва самарали фойдаланишни таъминлашга йўналтирилган дастур ва чора-тадбирлар мажмуининг амалга оширилиши натижасида, мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш барқарор ривожланиб келмоқда.

Тадқиқотнинг объекти бўлиб қорақалпоғистон республикасининг агросаноат мажмуаси соҳасида фаолият юритаётган фермер ва деҳқон хўжаликлари, ихтисослашган кластерлар ва бошқа ташкилотлар ҳамда корхоналар ҳисобланади.

Минтақада экин майдонларини оптималлаштириш ва қишлоқ хўжалиги экинларини жойлаштириш борасида ҳар томонлама пухта ўйланган аграр сиёсат олиб бориладигани энг муҳим хомашё ва экспортбоп маҳсулот бўлмиш пахта етиштиришнинг нисбатан барқарор ҳажми сақлаб қолингани ҳолда, гуруч, буғдой, қандлавлари, кунгабоқар, ипакчилик қорақўлчилик маҳсулотлари, қовун, тарвуз, сабзавотнинг барча турлари, картошка, кўплаб мева, узумчилик сингари жуда кўп экин ва деҳқончилик, қатор қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш имкониятлари ортмоқда. [2]

Илмий тадқиқот натижалари. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишда минтақанинг ўзига ҳос бўлган хусусиятлари, ресурс таъминотидан келиб чиқиб аҳолининг озиқ-овқат ва халқ истеъмоли товарлари билан таъминланишини юксалтириш учун аввало, қишлоқ хўжалигининг барча тармоқларининг моддий-техника базаси мустаҳкамланиши, фан-техника янгиликлари ҳамда илғор, самарали технологиялар ишлаб чиқаришга изчил жорий этилишини ўзаро боғлиқ ҳолда таъминлаш зарур. Шу билан бирга ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни сифатли сақлаб, аҳолига ўз вақтида етказиб берилишига эришиш лозим.[3]

Дунёнинг етакчи компаниялари ўз тараққиёт стратегияларини деҳқончилик жараёнларини рақамлаштириш ва автоматлаштириш эҳтиёжларидан келиб чиқиб белгилаб олмоқда. Қишлоқ хўжаликларида ҳайдовчисиз транспорт воситалари, камера ва юқори сезувчи сенсорлар билан таъминланган учувчисиз учиш аппаратларидан фойдаланилмоқда. [4] улар бир неча соат давомида қишлоқ хўжалиги участкаларида тадқиқот олиб бориш, камера ва сенсорлар ёрдамида йиққан маълумотларни фермерга етказиш, майдонлар электрон харитасини 3d форматда яратиш, экинларни самарали ўғитлаш мақсадида меъёрлаштирилган вегетатсия индексини ҳисоблаш, олиб борилаётган ишларни хатлаш, ерни ҳимоялаш, сув насосларини масофадан туриб бошқариш ва бошқа имкониятларга эга бўлмоқда.

Хулоса. Юқорида таъкидланган муаммоларни ҳозирги замон талаби даражасида ҳал этиш учун:

- қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишловчи тармоқларини арзонроқ, сифатли, унумдор ишлаб чиқариш воситалари билан таъминлаш;
- қишлоқ хўжалиги тармоқлари мавжуд барча ишлаб чиқариш воситаларидан оқилона фойдаланган ҳолда талабни қондирадиган миқдорда сифатли маҳсулотларни ишлаб чиқариши;
- қишлоқ хўжалиги тармоқларининг ривожланишини таъминлаш мақсадида уларга турли хилдаги хизматларни вақтида, сифатли ва арзон нархларда амалга ошириш, жумладан, экинларни сув, кимёвий воситалар ва ўғитлар билан, техникаларни ёқилғи, ёнилғилар билан таъминлаш, уларни таъмирлаш ва хизматлар кўрсатиш;
- қишлоқ хўжалигида етиштирилган маҳсулотларни нобуд этмасдан вақтида, сифатли тайёрлаб, қайта ишлаб, тайёр маҳсулотлар истеъмолчиларга етказиб берилишини таъминлаш,
- қишлоққа саноатни олиб кириш, шу билан тармоқдаги аҳолининг иш билан таъминланиши, реал даромад олиши учун катта имконият яратилади;
- қишлоқ хўжалигида тадбиркорлик фаолиятини олиб боришда маслаҳат марказларини ташкил этиш ва улар фаолиятини ривожлантиришга оид услубий тавсиялар ишлаб чиқиш;
- минтақа салоҳиятидан самарали фойдаланиш юзасидан хорижий тажрибаларни ўрганиб, улардан маҳаллий даражаларда фойдаланиш йўллари асослаш.

Юқоридаги қайд қилинганлар асосида шуни айтиш мумкинки, ўтказилаётган агротехник, ташкилий, иқтисодий ва бошқа хил тадбирларда албатта минтақада об-ҳаво, иқлим ҳамда тупроқ хусусиятларини ҳисобга олиб, қишлоқ хўжалиги фаолиятини юритишда илғор усуллар жорий қилинганда маҳсулот етиштиришни мунтазам кўпайтириб бориш, бу тадбирлар туфайли аҳолининг озиқ-овқат ҳамда истеъмол товарлари билан тиббиёт меъёрлари даражасида таъминланишига эришилади.

Фойдаланган адабиётлар рўйхати

1. Gafurova G. Developing productive skills assessment tasks //Журнал иностранных языков и лингвистики. – 2020. – Т. 1. – №. 1. – С. 34-38.

2. Bakhtiyorovna G. G. EQUIVALENCE AND PRAGMATIC ASPECTS OF TRANSLATION OF JOURNALISTIC TEXTS //European journal of literature and linguistics. – 2023. – №. 1. – С. 24-29.
3. Gafurova G. POETIC STRUCTURES IN A STORY “BORSA KELMAS DARVOZASI” BY SAID AKHMAD //Журнал иностранных языков и лингвистики. – 2021. – Т. 2. – №. 3.
4. Djabbarova Z. VARIOUS DEFINITIONS OF THE TERM" LITOTES" IN THE LINGUISTIC LITERATURE //СЎЗ САНЪАТИ ХАЛҚАРО ЖУРНАЛИ. – С. 146.
5. Djabbarova Z., Omonullayeva S. The role of communicative approach in cooperative learning. – 2017.
6. Rustamovna D. Z. UDK: 81. 255.4 SEMANTIC AND STYLISTIC CHARACTERISTICS OF LITOTA.
7. садовник п.в. минеральные ресурсы мира. Т.з. –м.: агроэкология, 2014.
8. Абдуғанийев а., абдуғанийев а.а. қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти. 2-нашр. Т.: “адиб нашриёти”, 2011
9. “қишлоқ хўжалигини инновацион ривожлантиришда олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълим муассасалари ёш олимларининг роли” мавзусида ўтказиладиган илмий-амалий анжумани материаллари тўплами (май 2016). –т.: тошдау, 2016.
10. Wwww.agroolam.uz